



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «3» июль

№ 2825-К

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

“Файзиобод” ҚФЙ Қаландар қишлоғидан
фуқаро Қўчқоров Нуриддинга “Савдо ва
маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 20 июлдаги 03/3-400-сонли, 5-сонли баённомасига асосан, фуқаро Қўчқоров Нуриддиннинг танлов голиби деб эътироф этилган баённомани, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” объектини жойлаштириш бўйича “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-16/88-858-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 11-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 20 июлдаги 03/3-400-сонли, 5-сонли баённомаси, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” объектини жойлаштириш бўйича “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 01-16/88-858-сонли ижобий хулосаси ҳамда туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 11-сонли далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Файзиобод” ҚФЙ Қаландар қишлоғи ҳудудидаги 367-контурда жойлашган туман хокимлиги захирасида бўлган, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан фуқаро Қўчқоров Нуриддинга “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” қуриш учун 800,0 (саккиз юз) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Қўчқоров Нуриддинга ажратилган ер майдонида “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” қуриш бўйича белгиланган тартибда вилдоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш қилиниши, “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси”ни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Ш.Негматов